



NEW REFORMS IN THE DEVELOPMENT OF NATIONAL ECONOMY – THE PATH TO NEW PROGRESS

Kamila Mirzaakbarova¹

Tashkent International University of Financial Management and Technology

KEYWORDS

national economy, strategy, foreign trade, liberalization of tax and financial policies, entrepreneurship, privacy of private property, economic potential, free economic zone, small industrial zone, investor, preference, innovation technology park, tourism, macroeconomics, inflation, currency

ABSTRACT

The development of the national economy is one of the most important priorities of the economic reforms carried out in Uzbekistan.

This article reflects the reforms implemented within the framework of the Action Strategy in the five priority areas of development of our country in 2017-2021, as well as measures within the Development Strategy to develop the real sector of the national economy as a priority for 2022-2026.

2181-2675/© 2024 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: **10.5281/zenodo.13928208**

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Assistant of the Department of Economics and Management, Tashkent International University of Financial Management and Technology, Uzbekistan

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР – ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ

KALIT SO‘ZLAR/ КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

миллий иқтисодиёт, стратегия, ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорлик, хусусий мулк дахлсизлиги, иқтисодий потенциал, эркин иқтисодий зонаси, кичик саноат зонаси, инвестор, преференция, инновацион технопарк, туризм, макроэкономика, инфляция, валюта.

ANNOTATSIYA/ АННОТАЦИЯ

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган ислоҳотлар ҳамда 2022-2026 йиллардаги устувор вазифа сифатида айнан миллий иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегияси доирасидаги чора-тадбирлар ўз аксини топган.

Маълумки, мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 мингдан зиёд қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди.

Барча соҳалар каби миллий иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўрилди.

Шу ўрнида, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Ўтган беш йилликдаги ислоҳотларимизнинг натижасида эса, мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларига катта замин яратилди.

2021 йил 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришишига бағишланган тантанали маросимда келгуси беш йил учун энг асосий устувор йўналишларни ўз ичига олган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси илгари сурилди. Бу билан, беш йил аввал қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва унинг доирасида амалга оширилган муваффақиятли ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш

мақсадида «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон этиб кун тартибига қўйилди.

2022-2026 йиллардаги устувор вазифа сифатида айнан миллий иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш орқали аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмини ошириш кўзда тутилганлиги энг муҳим мақсадлардан бирига айланди.

Хусусан, ўтган беш йил давомида Ҳаракатлар стратегияси доирасида саноатнинг тўқимачилик, электротехника, автомобиль саноати, қурилиш материаллари саноати, кимё ва нефть-кимё саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, энергетика каби етакчи тармоқларини ривожлантириш стратегиялари қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш орқали ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорлик ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлиги оширилди. Худудларнинг иқтисодий потенциалини кўпайтириш мақсадида эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиб, уларга хорижий инвесторларни жалб қилиш учун тегишли имтиёз ва преференциялар тақдим этилди. Етакчи тармоқларга ихтисослашган кичик саноат зоналари бунёд қилиниб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур инфратузилмалар яратилди. Йирик ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган инновацион технопарклар ташкил этилиб, уларда замонавий илм-фан ютуқлари орқали яратилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда туризм соҳасини тубдан ислоҳ қилиш орқали сайёҳлик инфратузилмаси ривожлантирилди, сайёҳлик хизматлари таркиби (зиёрат туризми, тиббий туризм, кино туризми ва ҳ.к.)нинг яна ҳам кенгайтирилиши натижасида мамлакатнинг сайёҳлик потенциали йилдан-йилга юксалиб бормоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига мувофиқ, 2022-2026 йилларда юқорида таъкидлаб ўтилган йўналишларда ҳаётга татбиқ этилган ислохотларни самарали давом эттириш, мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада ошириш, 2030 йилга бориб эса жон бошига ҳисоблаганда, Ўзбекистоннинг аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторига кириши мақсад қилинган.

Бунга эса, ўз навбатида, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантириш орқали эришиш кўзда тутилган.

Ўз ўрнида айтиш лозимки, иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг самарали ва жадал ривожланиши мамлакатдаги ЯИМ ҳажмининг ортишига, яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ички маҳсулот ҳажмининг кўпайишига олиб келади. Инфляция даражасини пасайтириш орқали эса, макроиқтисодий барқарорлик таъминланади.

Қайд этиш муҳимки, 2017 йилда бошланган иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор механизмлари ролини оширишга қаратилган энг муҳим иқтисодий

ислоҳотлардан бири – бу миллий валюта алмашув курсининг бозор механизмлари асосида шаклланиш тамойилларини жорий этиш орқали ички валюта бозорининг босқичма-босқич либераллаштирилиши билан боғлиқ амалий қадамлар бўлди.

Шу билан бирга, пул-кредит (монетар) сиёсати соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, жумладан, тўлов тизимлари ривожлантирилди, чет эл валютасини чекловсиз сотиб олиш имкони яратилди, нақд пул муаммоси ҳал этилди, узлуксиз ишловчи автоматлаштирилган банкоматлар фаолияти йўлга қўйилди.

Валюта ва ташқи савдонинг либераллаштирилиши натижасида ташқи савдо ҳажми ҳам жадал ўсиб бормоқда. Шунингдек, иқтисодиётга бозор механизмлари тамойилларининг жорий этилиши, нархларнинг эркинлаштирилиши ва шу билан боғлиқ бошқа ислоҳотлар ортидан мамлакатда ички нархлар барқарорлигини таъминлаш, инфляцияни паст даражада ва барқарор ушлаб туриш устувор вазифа сифатида олдинга чиқди.

Шу боис, Тараққиёт стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаб, инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш навбатдаги вазифа сифатида тасдиқланди. Зеро, мамлакатда ички нархлар барқарорлигининг таъминланиши макроиқтисодий ва ижтимоий мувозанатнинг кафолати ҳисобланиб, бу, ўз навбатида, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ҳамда ривожлантириш дастурларининг муваффақияти учун зарур мезон саналади.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, инфляциянинг паст ва барқарор кўрсаткичлари иқтисодий ўсишдаги мувозанатни таъминлашда, ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги ва аҳоли яшаш даражасини оширишда муҳим омил саналади.

Нархлар ўсиш суръатларининг пасайиши ва барқарорлашиши эса, давлат иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларидан бири бўлиши лозим.

Ўтган беш йил ичида Ўзбекистоннинг фискал соҳадаги сиёсати тубдан ўзгарди. Хусусан, бюджетнинг шаффофлиги ва очиқлиги таъминланди, солиққа тортишни соддалаштириш ва такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш юзасидан бир қатор самарали чора-тадбирлар бажарилди.

Шунингдек, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш тизими такомиллаштирилди. Бунда Олий Мажлиснинг бюджет жараёнидаги роли ва ўрни мустаҳкамланди, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ваколатлари кенгайтирилди, «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси ишга туширилди. Айниқса, «Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг амалга оширилиши натижасида, туман ёки шаҳар фуқаросига уларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилишда иштирок этиш имконияти берилиб, фуқароларнинг жамиятдаги фаоллиги ҳамда фуқаролар ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ўзаро ҳамкорлиги янада ортди. Маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларига туман ёки шаҳар бюджетлари маблағларининг бир қисмини бевосита фуқароларнинг ташаббуси асосида йўналтирилишига катта ҳисса қўшилди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг суверен халқаро облигациялари чиқарилиб, ундан тушган маблағлар мамлакат фаровонлиги йўлида стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди.

Тараққиёт стратегиясига мувофиқ, 2022-2026 йилларда Ўзбекистонда бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш вазифасига устуворлик берилмоқда. Чунки мамлакатда фискал дефицитнинг ортиб бориши ва ташқи қарзларнинг халқаро даражада белгиланган меъёрлардан ошиб кетиши миллий иқтисодиётга хавф туғдириши мумкин.

Шунингдек, мазкур стратегияда бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши кўзда тутилган.

Фискал соҳада белгиланаётган мазкур устувор вазифалар аввалги ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланиб, бу, бир томондан, бюджет даромадларини оқилона шакллантиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, бюджет харажатларининг самарали сарфланишига сабаб бўлади. Пировард натижада эса, мамлакатда иқтисодий фаоллик ортиб, макроиқтисодий барқарорлик таъминланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида келгуси беш йилликда мамлакатимиз миллий иқтисодиётини янада ривожлантириш борасидаги бир қатор стратегик вазифалар белгиланган. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, бизнес муҳити ва зарур инфратузилмаларни яратиш бўйича ислохотларни давом эттириш, камбағалликни икки баробар қисқартириш, ҳудудларни ва аграр соҳани ривожлантиришга оид вазифаларга алоҳида аҳамият берилган.

Мазкур вазифалар Ҳаракатлар стратегияси доирасида самарали амалга оширилган ислохотларнинг узвий давоми ёки бошқача айтганда, янги муваффақиятнинг бошланиши бўлиб, улар мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ – 60-сонли Фармони.

3. Ғуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. – 365-б.

4. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 савол

ва 100 жавоб (1-қисм), Т. – «Меҳнат», 2000. – 347-б.

5. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси
www.lex.uz.